

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 30 (5321).
6 ФЕВРАЛЬ 1984 й.
ДУШАНБА
Гаёта 1966 йил
1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ЯҚДИЛЛИК ВА ЗИЯТИДА

Ўзбекистонда СССР Олий Совети депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш партия билан халқнинг бузилмас бирлиги белгиси остида давом этмоқда.
Бухоро область Свердлов районидagi Охунбоев номи колхоз аъзоси Жамалда Азимовна Бозоровани 101-Гинжудон сайлов округи округ сайлов комиссияси СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олди.
580-Ленин сайлов округи сайлов комиссиясининг мажлисида Андижон область партия комитетининг биринчи секретари Солижон Мармарасулдов СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олди.
107-Чортоқ сайлов округи

нинг округ сайлов комиссияси Косонсой районидagi «Дустлик» совхозининг бригадир Абдулатиф Шариповни СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олди.
Навоий область партия комитетининг биринчи секретари Василий Павлович Бенини 588-Навоий сайлов округининг округ сайлов комиссияси СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олди.
110-Самарқанд шаҳар сайлов округида сайлов комиссияси Самарқанд тажриба заводи олмас асбоблар йиғувчиси Тамара Павловна Анишченкони СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олди.

депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олди.
Округ сайлов комиссияси Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Укун Умаровни 116-Тошкент-Чилонзор сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олди.
607-Чирчиқ сайлов округи округ сайлов комиссиясининг мажлисида СССР ташиқ ишлар министрининг биринчи ўринбосари Георгий Маркович Кориненко СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олди.
Округ сайлов комиссияси СССР юстиция министри Владимир Иванович Тереховни 122-Қўқон сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олди. (ЎзТАГ).

ПРАВДА САҚИФАЛАРИДА

«Планга қўшимча» газетининг бугунги беш мақолиси ана шундай номланади. Мақолада шахар ва қишлоқ меҳнатқашларининг планга қўшимча равишда меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини арзонлаштиришга доир тадбирларнинг аҳамияти ҳақида фикр юритилди.
Газетанинг учинчи хилит саҳифаси буюқ олим Д. И. Менделеев туғилган кунининг 150 йиллигига бағишланган.
Газетада мамлакатимиз ҳаётига доир янгиликлар, чет эллардан олинган телеграммалар, спорт хабарлари босилган.

ШАҲАР КОМСОМОЛ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИ

Тошкент шаҳар комсомол комитетининг пленуми 89-й ўқиди. Унда КПСС XXVI съезди ва ВЛКСМ XIX съезди қарорлари асосида ёшларнинг ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича шаҳар комсомол ташкилотларининг ишлари муҳокама этилди. Бу масала юзасидан шаҳар комсомол комитетининг биринчи секретари С. Т. Алиев доклад қилди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЕЗУВЧИЛАР СОЮЗИДА

МУҲОКАМАДА— 1983 ЙИЛ

ПОЭЗИЯСИ

Ўзбекистон ССР Езувчилар союзида ўтган йили эълон қилинган поэтик асарларнинг муҳокамаси бўлиб ўтди. Шу масала юзасидан Ўзбекистон ССР халқ шoirи Шукрулло ва филолог фанлари доктори Н. Шукуров доклад қилди.

Музокарада сўзга чиққан Ўзбекистон ССР Езувчилар союзи поэзия советининг раиси, Ўзбекистон ССР халқ езувчиси Мирмуҳаммад Э. Воҳидов, М. Али, И. Гафуров, О. Матжон, М. Қўшмоқов ва бошқалар ўтган йили яратилган шеърининг асарларнинг ютуқ ва камчиликлари ҳақида гапирдилар. Шунингдек, адабий жараёни янада яхшилашга қаратилган бир қатор тақлифлар ўртага ташилади.
Поэтик асарлар муҳокамасида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маданият бўлимининг сектор мудири Б. Бойболтаев, Ўзбекистон ССР Езувчилар союзи раёни раисининг биринчи секретари С. О. Азимов иштирок этдилар.

Сўнгги соатда

БУ ЮК ЖАСРАТ ДОВРУҒИ

Доврурак совет уювчиси В. П. Чаловнинг номи совет кишиларнинг қалбига бу йил умрга сақланиб қолган. У АНТ—25 маркали самолётда жаҳонда биринчи марта Шимолий кутб орқали Америка Қўшма Штатларига қўнмасдан жасратли парвозни баъжарган. Совет самолёти бориб қўнган АКШдаги Ванкувер шаҳрида бу жасратни улуғовчи мемориал ёдгорлик бор. Москвада В. П. Чалов туғилган кунининг 80 йиллиги тантанасида А. Коул раҳбарлик қилётган Чалов ёдгорлиги комитетининг делегацияси қатнашди.

БУГУН

АҚШдан келган меҳмонлар республикамиз пойтахти — Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини зىёрат қилдилар, республика халқ ўғлини ютуқлари вистақис, лойхат метроси билан танишдилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ўз. бақ совет адабиётини ривожлантиришдаги хизматлари учун ва туғилган кунига 70 йил бўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий арлиги билан мукофотланди.

Ю К С А К И Ш О Н Ч

САЙЛОВЧИЛАРНИНГ ХАЛҚ
НОМЗОДЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ



Каромат Еқуббоева учун бу сайловчилар билан биринчи учрашув эмас. Лекин у барибир ҳаяжонланарди. У ишдан кейин Ўрта Осиё темир йўли бошқармасига етиб келди. Уни мажлислар залида юзлаб кишилар кутиб туришган эди. У йилгаганлар билан Ш. Р. Рашидов номидаги Меҳнат Қизил Байроқ ордени Тошкент тўқимачилик комбинати тўқувчи сифатлигига эмас, балки СССР Олий Совети депутатлигига номзод сифатида учрашувга келган.
— У комбинатга тўқимачилар тайёрловчи 85-шаҳар ўрта хунар-техника билим юртини битиргандан кейин 1971 йилда 16 ёшида келди, — дея ҳикоя қила болади ишончли вакил, «Ҳизил тоғ» текуччилик ишлаб чиқариш бирлашмаси кесуучи Н. Турко. эски мокили дастгоҳларда ишлаб бошладим. У пайтларда янги дастгоҳлар йўқ эди. Бир йилдан кейин 24 ўринга 32 дастгоҳда ишлаб бошладим. Пешёдамларга тенгаша бошладим. Кўп нарсани тажрибали ишчилардан эринмай ўргатар эди. Каромат ишлаётган участкасидаги эски автомат-

ларни янги мокисиз дастгоҳларга алмаштиришга, у янги техникани тез ўрганиб олди. Ҳозир соҳа бўйича нормадаги 17 ўринга 30 дастгоҳга хизмат кўрсатяпти. Бу қайин, албатта. Бунинг устига Каромат Еқуббоева тўқимачилик институтини тарбиялашти. Шунга ҳам айтади керакин, ишга юксак масъулият билан ёндошиш, жамоат ишларида фаол қатнашиш, туганмас ёшлик гайратини кўрсатиш — унинг энг яхши хислатлари. Унинг ана шу хислатлари учун коммунистлар сафига қабул қилинган. Каромат — халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг депутати, Фрунзе район партия комитетининг аъзоси.
Бутун новатор ишчининг календарига 1986 йилнинг май ойи бошланган. У Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг, тўқимачи Виноградовлар номидаги мукофотининг лауреати. К. Еқуббоева дуноналари Шонра Тошматова, Валентина Эргашева, Евгения Губиналар қатори корхонада биринчилардан бўлиб, шахсий беш йиллик тошпиринини баждари. У яхши мураббий сифатида танилган, 20 дан ортқ қизга касб ўргатган. Илгор тўқувчи Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик шарафига ўз мажбуриятларини қайта кўриб чиқди ва 30 ўринга 42 та дастгоҳга хизмат кўрсатиш ҳамда республика юбилейига беш йилликнинг олти йили топши-



ригини баждаришга аҳд қилди.
— Каромат Еқуббоевнинг ишлари жуда кўп, — деди учрашувда сўзга чиққан Тошкентдаги «Уқуқ» тўқимачилик-галатерия ишлаб чиқариш бирлашмаси инженери М. Пирмухаммедова. — У совет парламентида фақат тўқимачиларнинг вакили бўлмайди, у Ленин, Сергел ва Фрунзе районлари ишлаб чиқариш коллективларининг вакили бўлади. Биз ишонимизки, унинг меҳнатқашларнинг ишларида давлат нуктани-назаридан юксак масъулият билан муносабатда бўлиши, бошқаларни эргаштира билиши халқ ҳоқимиятининг олий органида муносаб вакили бўлишига ёрдам беради.
Учрашувда шунингдек, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети наشري-



СУРАТЛАРДА: минбарда Каромат Еқуббоева; мажлислар залида. А. Жданов фотолари.

тининг машинисти Н. Нагайцина, Тошкент темир йўли транспорти инженерлари институти партия комитети секретари Г. Бублик, «Ташсантехгазмонга» трести слесари В. Муҳаммадхужаев, «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси комсомол комитети секретари И. Иброҳимов сўзга чиқдилар.
Улар шу кунларда меҳнат коллективларида юксак сн-

сий ва меҳнат кўтаринкилиги авж олган ҳақида, ўтган сайловлардан бери рўй берган ўзгаришлар ҳақида гапирдилар. Сайловчилар корхоналар ишини яхшилаш, уй-жой, социал-маънавий, спорт объектлари қуриштириш, тезлаштириш юзасидан истақлар билдиришди.
СССР Олий Совети депутатлигига номзод К. Еқуббоева юксак ишонч учун сайловчиларга ташаккур

билдириб, сайловчиларнинг нақазларини баждариш учун куч-гайратини аямаслиги, умум ишига муносиб ҳисса қўшагани ҳақида ваяда берди. Йилгилар сайловчиларни сайловлар кунини коммунистлар ва партизларнинг бузғулмас блок кандидатурлари учун овоз беришга чақирдилар.
В. СЕРГЕЕВ.

САЙЛОВДАН САЙЛОВГАЧА

Тошкент шаҳри кўз ўнгимизда кун сайин гуллаб-яшнаб, янада ободонлашиб бормоқда. Шаҳарда янги санаят корхоналари барпо этилмоқда. Кўпгина завод ва фабрикаларда эса ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш учун цех ва участкалар реконструкция қилинмоқда.
Пойтахт тобора ёшариб бормоқда. Янги микрорайонлар барпо этиляпти, кенг магистраллар, проспектлар қуриляпти, кўчалар янгилаяпти, транспорт, маънавий хизмат кўрсатиш, савдо хизмати тобора яхшиланмоқда. Шаҳар соғлиқни сақлаш системаси кун сайин тақомиллашиб бормоқда. Фақ, халқ маорифи, маданият муассасалари тармоғи кенгаймоқда.

ПОЙТАХТ РАЙОНЛАРИ: Акмал Икромов райони


Буларнинг ҳаммаси Коммунистик партия, Совет ҳукумати, Совет ҳоқимияти органларининг доимий катта ғамҳўрлиги натижасидир.
СССР Олий Советига сайловлардан сўнг ўтган вақт ичда жуда катта ўзгаришлар рўй берди. Шаҳарнинг барча районлари итисодий жиҳатдан мустақамланди, социал ривожлантиришда янгида янги муваффақиятларга эришди. Бугундан бошлаб биз республика пойтахт районларида ана шу ўтган беш йил ичда эришилган ютуқлар, ўзгаришлар тўғрисида ҳикоя қилувчи материаллар туркумини эълон қиламиз.

КАМОЛОТ ЙЎЛИДА

Акмал Икромов району 1748 гектар мақдонин ишғол этган. Ҳозир унда 215 минг киши истиқомат қилади.
Беш йил ичда районда санаят маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиши 33 процентини ташкил этди.
Район турар жой фонди 2 миллион 90 минг квадрат метрди. Бу ерда ҳар бир кишига ўртача 9,6 квадрат метр турар жой тўғри келади. Турар жой қурилиши кенг миқёсда олиб борилляпти. Бу йил 40 минг квадрат метр уй-жой фондаланишга топширилди.
Транспорт хизмати кўрсатиши яхшилаш мақсадида трамвай ва троллейбус йўллари қурилди. Янги автобус маршрутлари очилди. Ҳозир Гафур Гулом кўчасидан Ипподромгача 12,5 километр масофага яна бир трамвай йўли қурилмоқда.
Беш йил мобайнида маънавий хизмат кўрсатиш ҳамма салкам икки марта ошди. Бу йил у 4223 минг сўмга етказилди.

АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОНИ

Буларнинг ҳаммаси Коммунистик партия, Совет ҳукумати, Совет ҳоқимияти органларининг доимий катта ғамҳўрлиги натижасидир.
СССР Олий Советига сайловлардан сўнг ўтган вақт ичда жуда катта ўзгаришлар рўй берди. Шаҳарнинг барча районлари итисодий жиҳатдан мустақамланди, социал ривожлантиришда янгида янги муваффақиятларга эришди. Бугундан бошлаб биз республика пойтахт районларида ана шу ўтган беш йил ичда эришилган ютуқлар, ўзгаришлар тўғрисида ҳикоя қилувчи материаллар туркумини эълон қиламиз.
Район ташкил этилгандан бунга чакана товар обороти салкам икки марта кўпайди. Утган йили район аҳолиси бу ерда 123235 минг сўмлик моллар харид қилди. 1984 йилда товар оборотини 6 миллион сўмга кўпайтириш мўлжалланяпти.
Районда 4 та катталар учун ва икки та бөлма матология поликлиникалари, 3 та касалхона, 10 та аптека бор. Эё Санд нўчасида турмухона қурилиши бошлаб юборилган.
14 та оммавий кутубхона, 2 та маданият уйи, 2 та кинотеатр, маданият болғлари ишлаб турибди.
Кейинги йилларда 3 та мактаб қурилди, улар сон 28 тага етди. Уларда 34130 ўқувчи таълим олмақда. 46 та болча-ёшлада эса 15 минг бола тарбияланмоқда.
Ободонлаштириш бўйича катта ишлар олиб борилляпти. Бир неча кўчалар кенгайтерилди, капитал ремонтдан чиқарилди. 40 та микрохўёбон ташкил этилди. Бўсув бўйлаб парк зонаси ташкил этилди, 800 минг тулдан зиёд дархат кўчати ва буталар ўтказилди. Райондаги телефон тармоқлари 7600 номерга эга. 47-АТС ва 74-АТС бу йил ишга туширилгандан сўнг яна 12 минг номерга кўпайди.



Акмал Икромов район меҳнат коллективлари СССР Олий Советига сайловларни зарбдор меҳнат билан кўриб олмошмоқда. Район хўёбон аввалиги сайловлардан сўнг ўтган вақт ичда таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди.



СУРАТЛАРДА: райондаги «Средазгазавтоматика» заводининг бир группа илгор слесарийувчилари Р. Димухамедов, Е. Турким, Г. Ляшкин, С. Левченко, А. Озеров, А. Петренко; янги турар жой бинолари; янги болалар комбинати. М. Нурриддинов фотолари.



Зарбдор меҳнатимиз билан жавоб берамиз

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи барча сайловчиларга, граждандарига Мурожат республика меҳнатқашларининг меҳнат гайратини ошириб юборди.
Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50

йиллиги номли Тошкент текуччилик бирлашмасининг меҳнатчилари сменалар ўртасида митингга тўпландилар. Партия комитетининг секретари Ш. Акбаров, бригадир Н. Еремюна, текуччи, Ўзбекистон Компартияси XX съездининг делегати Р. Тўйчиева ва сўзга чиққан бошқа нотиклар бундан аввалги сайловдан бундан аввалги зарбдор меҳнатимиз билан жавоб берамиз деган партия XXV ва XXVI съездлари, КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил декабрь (1983 йил) Пленумларининг қалалари амалга ошириш йўлида совет кишиларининг астойдил меҳнати, ижодий изланишлари, зўр куч-гайратлари билан ишонганлигини таъкидладилар. Бирлашмада катта ўзгаришлар рўй берди.
Коллектив мамлакат давлат ҳоқимияти олий органига ўтказилган сайлов шарафига меҳнат вақтисиде туриб янгида янги муваффақиятларга эришди. Январ ойида қўшимча равишда 150 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, буюмларнинг 46 процентини Сифат белгиси қўйилди.
Тошкент чинни заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг митингида сўзга чиққан бри-

гадир Н. Абдулова, катта мастер Ф. Шағизов, мастер Х. Тошхужаева ва бошқа нотиклар совет кишилари Ленин партияси таваригада маҳкам ижтисодчиларининг ҳақида гапирдилар, юксак снўсатилганлиги ва хўшрўй кўрсатишга, жо нажон Ватаниннинг иқтисодий ва мадуофе кудратини мустақамлаш йўлида зўр гайрат билан меҳнат қилишга чақирдилар. Уларнинг таъкидлашича, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Ю. В. Андроповнинг баёнотлари, унинг «Правда» газетаси саволларига жавоблари Советлар мамлакатини барча меҳнатқашларининг ўй-фикрлари ва хис-тўйларининг ифода этиди, социализмга қарши «салб юриши» эълон қилган Вашингтон маъмуриятга қатъий зерб бўлиб тушди.
КПСС Марказий Комитетининг СССРдаги барча сайловчиларга, граждандарига Мурожатига бағишланган кўп

кишилик митинглар В. П. Чалов номи Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида, «Ташсельмаш» заводига, республиканин бошқа корхоналари ва ташкилотларига ҳам бўлиб ўтди.
Митингларнинг қатнашчилари сайловчиларни СССР Олий Советига сайлов кунинда коммунистлар билан партизлар билан мустақам блокнинг номзодлари учун овоз беришга чақирдилар. (ЎзТАГ).



ШАРҚ ЮЛДУЗИ

ЯНВАРЬ СОНИДА

«Шарқ юлдузи» журнаlining бу йили биринчи сони босмадан чиқди. Энг аввало шунга айтиш керакки, журнал полиграфик жиҳатдан янгича безатилган, у янада кўрама кўришиш касб этган.

Журнаlining бу сони ўртоқ Ю. В. Андроповнинг Осие ва Африка мамлакатлари ёзувчилари уюшмаси VII конференциясининг қатнашчиларига йўллаган мактуби ва бу мактубга Осие ва Африка ёзувчилари уюшмасининг Бош секретари Алекс Ла Гуманинг жавоби билан очилди.

Зулфиянинг «Денгиз бўлиб чайқалар юрак...», Г. Нуруллаевнинг «Одам — сиртўла дунё» ҳамда Шухратнинг «Шу туғроқни жондан севдим» номли шеърий туркумлари ҳам шу сонда эълон қилинган. «Мушоира» рубрикаси остида эса республикамиз ёш ижодкорларининг асарларидан намуналар берилган.

Проза ижтисомчилари Е. Березкиннинг «Қизил Бухоро» романи, Шухратнинг «Ўғрини қароқчи урди» номли пьесаси, Т. Муроднинг «Ойда юрган одамлар» қиссаси, У. Хошимовнинг «Маҳалланинг онаси» ҳикоясини ўқишлари мумкин.

«Саргузашт, фантастика» бўлимида эса Исфандиёрнинг «Мени тонгда уйғотинг» қиссаси чоп этилган.

Журнаlining бошқа анъанавий ҳамда мазкур сондан бошлаб очилган янги рубрикалари остида ҳам кўпгина қизиқарли материаллар бор.



ЗУЛФИЯ

ДЕНГИЗ БЎЛИБ ЧАЙҚАЛАР ЮРАК...

(«ТОНГ БИЛАН ШОМ АРО...» ТУРКУМИДАН)

Кўрдим: кўз ёш эгаси экан умрга, Мендан кейингилар йилмасин деб Дардим селобини тўқиди шегра.

Сен қўйла севгининг восил ҳаётин, Тошлар тилга кирсин,

Ишқ, гул очсин музалар!

Ишқ, шодлик чулғанган диллар баётин

Куйла, долалардай яшасин юзлар,

Куйлама ҳижронини, гўзал Гулгунам!

УЗУГИМ СИРГИЛИБ ТУШДИ

Е раббий!

Узугим сирғилиб тушди,

Узугим тортидими, шунча бармоқлар?

Қалбимнинг тубида недур увишди,

Тўқинсиз қолдим танда ирмоқлар?

Зебу зийнатларга ўч бўлмадим ҳеч,

Зийнат билдим фақат замон, сезимин.

Сўзни на кундуз, на тунда қўйдим тинч,

Елкасига ортиб қувонч, розимин...

Узук каламидан эди яқинроқ,

Дилим ва бармоқлар сиринга маҳрам.

Хузур, изтиробдан тушганда титроқ

Уша эди чақнаб, мултираган ҳам...

Энди бармоғимни этиб кетди тарқ,

Бир чоғ тухфа этган қўллар сингари.

Гарчанд у эмасдир севги кирган ари,

Кетиши ҳам эмас тўқин тингани.

Ўрта бармоғинга оламан тақиб,

Табиатдан устун менда ихтиёр!

Энди бу бармоқлар не кучдан қалқиб,

Нозиклар недан, билмоғи даркор...

Олди оққан сувнинг қадри йўқ дерлар,

Ўрғинда ношукр ҳужин деб юрдим.

Мана, қанча сувлар оқиб ўтидилар,

Бировни сувага зор,

бирин сер кўрдим.

Наҳр умри не хол ўтганини оқиб,

Соҳилдаги Серб бир севдимини?

Қараб, ҳовуч-ҳовуч ячим, ютоқиб,

Серб ўйлайдими ариқ оғачи ким?

Зеро у беминнат бир ёлда оқар,

Эмас узокдаги ёритмас юлдуз.

Тинса, боғи, қуриб, томоғи қақраб,

Силла қуришга етмайдими кўз?

Бир кун баҳри тугаб, тўлса паймона,

Қўлда пақир билан қолганда изғиб,

Тан ола биларми, ҳеч-са ниҳона

Ҳаётин берган — шу, бағридан сизиб....

Б И Н А Ф Ш А

Қаҳратонда ерга тўшалганда қор,

Менинг кўнглим тусаб қолар бинафша.

Дилим таг-тағидан эрка бир виқор

Ўрар чирмовуқдай хушбўй бир нашъа.

Энг хушрўй, энг кўрама гулларнинг атрини
На бўй, на хуснига этолмас қисс,

Беқисдир ҳушини элитган баҳри,
Тун ётиқда сўлган бинафшага хос.

Шу хузурни қўмасб, қутирган қишда
Думбул баҳорларни нигоҳим излар...

Гоҳ-гоҳ бугунимиз эмас,
Ўтмишдан

Иссик нафасларни излаймиз бизлар.
Ҳаёл чаманида бўй чўзиб ўтлар.

Чўлда ел ва нурда долалар балқар;
Қўқлам шарпасидан синиб сукутлар,

Тарновдан, ариқдан сув бўлиб оқар.
Ниҳоят, маъсумам жажжи бинафша

Сафсаранг гулхани сочар ийманиб,
Ўнгир, ариқ бўйин тутадди нашо.

У буюк борлиққа боқар жилмайиб.
«Салом!» — дейман ҳаёл бинафшасига

Сенсиз кўнглим боғим қоларди гариб!
... Ҳеч маст бўлмагимиз соф нашоғига

Бошин хийл эгиб турса жилмайиб?..

Синди қиш тўқинган муз ҳисли қафас,
Мана, яна қушлар чуғурлаб қолди.

Она нигоҳидай муллойим нафас
Замини осмонни бағрига олди.

Демак, баҳор келди.
Бу нафасдан ерда кексаю ёшининг

Олим, чехрасида эгу рўшнолик.
Дов-дарахт кияжак эқлол либосининг

Зиллоқ бариб тутиб югурар шодлик,
Демак, баҳор келди.

Келар деб шу сийда қадим йўл билан,
Эгу интиликда кўнчибди тошлар.

Ел такор, бетакор илқ қўл билан
Сочмоқда дилларга нишдан қўшлар.

Демак, баҳор келди.
Саховат юмоси тоғнинг қўқсидан

Кўпариб, айқириб сути тўқилмиш,
Заррас соҳилган музалар устиди

Шоққалоқ гулчалар чоқи сўқилмиш,
Демак, баҳор келди.

Ҳашиша нематга ҳомилла туғроқ
Тўқинган танини солимни офтобга,

Деҳдон қулонга таниш қўнғиргоқ —
Жарангдор куртақлар етибди тоғга.

Демак, баҳор келди.
Яна бедор, маъсум тун оғушида,

Одимлайди сирлар,
ширин шивирлар.

Бетобе шаббода нур ҳовучида
Юлдуздай сепмоқда жоду сехрлар.

Демак, баҳор келди.
Келди баҳор!

Кетар ташлаб уйғониш,
Бутун қурраминга битта баҳор у!

Одилми, қотилми — ҳар жонга таниш,
Меҳр маъбудаси навроз-наҳор бу.

Ахир баҳор келди.
Бир кун йўллариди олов кўп, зор кўп,

Йаҳонда қанча жон чиқмайди пешвоз,
Деҳдон уруғ соҳини,

Ўқ соҳмасин тўп,

Кувини эллар қушдай юрта

қайтсин боз,

Ахир, баҳор келди.

На масъуд хузур бу, ёруғ жаҳон бу.

Ер, Инсон баҳор-ла қовушган онлар.

Давлатлар!

Илтижо,

Фармон,

Исён бу:

Баҳор йўлларига сепмангиз қонлар.

Баҳор боқий келсин!

Аниқ тақдирларга бўлиб таянчлар.

Вахтлуга ишонч у, бахтишга толе.

Абад қонунидир элтиқо севинчлар.

Қабоҳат, хузурезлик бўлмаски моие.

Баҳор боқий келсин!

Ўқ ортган кемалар денгизга ботиб,

Чирсин!

Тин олсин эллар, одамлар.

Одамлар, ўлдирманг одамни отиб.

Баҳор қаб қайтиб келмас одамлар!

Баҳор боқий келсин!

ШУКРУЛЛО

ЎҒРИНИ ҚАРОҚЧИ УРДИ

(КОМЕДИЯДАН ПАРЧА)

Авал баҳор. Эгамнинг ҳовлиси, гуллар очилган. Ҳовлидаги катта тахта сўрига дастурхон ясалди.

Этам ўзини елиб юрибди. Этам. Ўзимнинг куйганим етмагандек кун ендирганини қара-и! Дўзахнинг эшиги очилдими дейман! (Ўзини елибди. Телефон жингилдади. Этам олади.)

Лабабай! Арслон Қори. Ҳа, уйданман. Тинчликми?.. Ҳозир бораман? Нима гап? Сирли? Хўп-хўп, келаярингиз! (Телефонни илади.) Сирли нима бўлди? (Каттагон тугун орқалаб уйдан хотини чиқади.) Хуржун кутарган лўлидек нима орқалаб юрбасан?

ХАЙРИ. Галингиздан қўчиб қолдим. Эҳтиётдан кўшилариникига қўйиб қўйди!

Этам. Ниятинг қурсин. Тўғри бўладиган бўлди, дедим-ку!

ХАЙРИ. Қўшининг ўғри тутма, ўзингга эҳтиёт бўл...

(Телефон жингилдади. Этам олади.)

Этам. Қимсан? Тоживой?

Хўш... Бугун бўлмайдими... Инки оғиз бўлса ҳам... Менга қара!

Алло... Алло... (Телефонни илади.) Нима бало бўлди, бугун ҳаммаси тўзғиб қолди! (Хотинини.) Бўлди, кўп жаврама!

ХАЙРИ. Айланай эр, сизга ачинганимдан айтаяман. Рангингни қаранг, қандай эдингиз, инки-уч кунни ичда сумакдек бўлиб, тортилиб қолдингиз.

Этам. Тортилиб қолдингизми-а?

Бу ёқда ўлгинга машина, бу ёқда қизинга участка, булар ҳаммаси муллажирингиз бўладими?

Камроқ топа қолинг, камроқ халқат қилингизми-а? Ҳой, рўзгоринг билан келди-кетганин ўзи ҳар ойда бир минг, икки мингнинг ўнриб кетди.

ХАЙРИ. Мен ҳам шунга айтмоқчиман-да. Бир ойда минг-минг топиб аллакчиларга елтирданган, рўзгорга етарин камроқ топиб, бошқаларга ҳам камроқ еларсангиз, худло қўратмасини, қамалсангиз, мудатини ҳам камроқ берармиди дейман-да, айланай эр!

Этам. Ўй, нафасинг қурсин. Бошқа бўйни йўғонни топмоқчимсан?

ХАЙРИ. Вой, гапирмай ўлай. Сиздан йўғонни қаёқданам топардим.

Этам. Имкисмай ўлай! Камроқ топингизми-а! Теғроқ қимирди, ахир бу тайёргарликни нимага қилди! Мана бу дастурхон ҳамма бало-қазони даф қилди.

ХАЙРИ. Илоҳи омин, содда бўлмай ўлай. «Арманча»сидан яна олиб чиқайми?

Этам. Олиб чиқ, олиб чиқ! Ҳой, тўхта, мана бу дастурхонни йўқот.

ХАЙРИ. Дастурхонга нима қилибди?

Этам. Келадиганлар нозиктабиат одамлар, бундай таъби оциладиганлар ё!

ХАЙРИ. Ўзга тўшмайлик деб, атайдан эскирғондан, ямоқ тушганидан қилувдим.

Этам. Кўзга тўшмайлик эмас-а! Эй, қирғовулга ўхшамай ўл. ҳафтафаҳ!

ХАЙРИ. Қирғовулнинг нимаси?

Этам. Қирғовул олтин бошим омон бўлсин, деб бошини бўзиб олиб, орқаси очилиб қолганини ўйламайди. Дастурхонни ўйла-сан-а! Ҳаммаси ўзи қилди бўлиб турибди-ку! (Телефон жингилдади. Хайри кетади. Этам трубкани олади.) Лабабай, эй! Айланай кетай акажон, бормиса? Нима? Хўп-хўп... Бўлди, кутаман.

ХАЙРИ. Тинчликми?



Этам. Худо хоҳласа, энди ишим битди! Ошина-оғайнинг омон бўлса, ранг-рўйинг сомон бўлмас. (Коньяни очиб, пиллага қуяди.) Ошина-оғайнингнинг соғинига. Тишга бошига бир нараса олиб кел! Қурт-пурт бўлса ҳам олиб чиқ!

ХАЙРИ. Шу вақтда қурт нима-си?

Этам. Кафтимга туғлаб закуска қиламанми? Болалар сўрган печенье-меченье бўлса ҳам олабер, шўртангина.

ХАЙРИ. Қўп ичманг, ҳозир. (Кетади.)

Этам. Буни топганим эғр бўлди. Худо хоҳласа, баюдан қўтудим. (Хайри дастурхон кўтариб чиқади.)

ХАЙРИ. Нима гап, мени ҳам тинчишиб қўйсангиз-чи!

Этам. Ҳозир келади, эшитсан! Ҳа, ростдан инки-уч кун илтимлиг атлас олиб қўй, хотинларига соғга деб қўлга тутқазсанг...

ХАЙРИ. Вой, ваҳима бўлмай ўлай, қўздан нари бўлсин деб, сандикин тоғанингизга жўнатиб юборган эдим-а!

Этам. Ўй, ниятинг қурсин, ҳовлиқмай ўлай! Мени шарманда қилмай, ери тағидан бўлса ҳам топ!

ХАЙРИ. Топаман. (Ердан тугунни олади.) Буни қўшинларга ташлаб чиқай. (Кетади.)

Этам. (Ўзича.) Эчкига жон қай-гу, қассобга жон қай-гу! Мол топиб қамаладиган ман, роҳатини қўрдиган булар! Нодонман. Битта нафсимга... (Эчки қўнғиргоғи чалинади.) Ана келди шекилли. (Эчкидан бир кўзи шилиб, пешонаси гулла бўлган Арслон Қори кириб келади.)

Этам. Арслон Қори. ўзингиз-нисиз?

АРСЛОН ҚОРИ. Ия, ўзим бўлайми ким бўлардим. (Аксиради.)

Этам. Шох муборак бўлсин!

АРСЛОН ҚОРИ. Эй, ҳазилин қўйсангиз-чи, биров ўлай деса, сиз... (Аксиради.)

Этам. Шамоллабсизми? Хўш, тинчликми?

АРСЛОН ҚОРИ. Ўзимни қаёққа уришимни билмай қолдим.

Этам. Хўш, нима гап?

АРСЛОН ҚОРИ. Эй Этам пол-вои, биласиз-ку, таниш бўлмаса, ҳеч иш битмайди... Авария қилиб қўйдим. (Аксиради.)

Этам. Ана холос, ана холос! Одам босдингизми?

АРСЛОН ҚОРИ. Ҳа. Энди бир амаллаб изини ёлмасам...

Этам. Машина ҳайдаганда гузалларга алағланганг, дедангизми.

АРСЛОН ҚОРИ. Ҳой, ҳозир ҳазилинг пайтимми?

Этам. Ҳеч ким ўлгани йўқми?

АРСЛОН ҚОРИ. Ҳозирча билмайдим. Узинга ўлгани йўқ-ку, ленин! (Аксиради.)

Этам. Саломат бўлинг! Ўлмаган бўлса, шукр қилинг. Вулдоқ ўтиринг.

АРСЛОН ҚОРИ. Шукр қилинг, дейсанга, ҳой, ўйлаясизми?

Этам. Ўйлаясизми. Қориниқ ўйлаясизми. Ахир ҳазилангизни, ҳамённингизни ўғирлатганингиз йўқми?

АРСЛОН ҚОРИ. Ҳазил деб ўйлаясизми?

Этам. (Этам қоний қуяди.)

Этам. Ҳали шу юрак билан юрбасизми. Қори? Мол-мули, ҳамён жойида бўлса, нега қўрқасиз?



НОДИР КОЛЛЕКЦИЯ

Отин тирларда фойдаландиغان пивматик мийтиқнинг қачон икмиро қилинганин билмасизми! Мавлун бўлишча ун ҳозирги асрмиздан ҳам, ўтган асрдан ҳам анча илгари икмиро эшитган экан. XV асрда тайёрланган бундай винтовка бугунги кунда Будапештдаги ҳарбий-тарихий музейнинг фахри ҳисобланади. Музейдаги бей коллекция 20 мингдан зиёд экспонатларни иборатдир. Уларнинг орасида афсонавий «Катюша» ва «Т-34» танки ҳам бор. Ҳар йили музейга 250 минга яқин тенгер ва чет эллик туристлар ташриф буюришади.

ОДАМУҲ... АРИЛАР

Қариб денгиздаги Тринидад ва Тобаго оролининг шимолга Африка арилар тўдаси бостириб келиб, бу ердаги аҳолининг ҳаммаси даҳшатга сомонда. Уч киши одамтўр асарларининг дастлабки кўрбон бўлдилар, уларнинг бири ҳаётдан кўз юмди, ана икки киши эса касалхонада жуда оғир ҳолатда ётибди — уларнинг ҳаётини ҳам қўй устиди турибди. Қутурган асаларларини тутиб олиш йўлдан ҳаратлар бе-фойда бўлди.

ОЛДИ-КОЧДИ РЕКОРДЛАР КИТОБИГА...

36 ёшлик инглиз фермери Г. Уиндебан ҳар хил олди-кочди рекордлар китоби бўлиши «Ингиз» Китобининг ўзининг янги жаҳон «ютуғи» билан бойитишга қарор қилди. У ўзининг ўстидан чиқди. 135 килограммлик Г. Уиндебан автомобильларнинг умумий оғирлиги 659 килограмм келадиган 91 та покримаканин кўтарди, деб хабар берди «Дианпан таймс» газетаси.

«БОИГ» САМОЛЕТИГА ТИ'БОРГАН ОТ

Аргентинанинг Тукуман шаҳри аэропортида авиация практикасида ҳеч ўз бермаган воқеа содир бўлди. АП агентлигининг хабар беришича бортида 121 пассажир бўлган «Боинг-737» самолёти ердан қўтарилши пайтда ҳалокатга учрашга бир баҳа қолди.

Аэропортда шундай тақдирга қолганин юз бермишиги учин-қўнши жойида саниб юрган от сабабни бўлди. Ҳайратлиқ, самолёт учувчиси қўққисдан пайда бўлган жондан «тўқини» ўз вақтида сезиб қолди. У машинага тормоз бермиши улардур. Лекин барибир тўқнашув юз берди, шунинг оқибатида «Боинг» самолётининг битта турбинаси шикасталанди, эҳтиётсизлик қилиб қўйган от эса ҳаёт билан видолашди.

